

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2021 йил 29 декабрдаги 1157-сон қарорига
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ 2021 ЙИЛ ИККИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА
АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН
А Х Б О Р О Т**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29-декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида 2021 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Президент сайловлари ҳақида тўхталиб, “2021 йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа – Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайлов миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юксак савияда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Биринчи навбатда, сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билимларини тизимли асосда шакллантириши керак. Ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар томонидан берилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиши ишларини давом эттирамиз.

Бу муҳим сиёсий кампания янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этишига ишонаман”, деб таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) 2021 йил иккинчи ярим йилликда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, Марказий сайлов комиссиясининг регламенти, шунингдек, Комиссиянинг 2021 йил 7-июлдаги 1082-сон қарори билан тасдиқланган Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига мувофиқ амалга оширди.

2021 йил 8 февралда қабул қилинган “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришларга биноан сайловларни ўтказиш муддати октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида этиб белгиланди. Шу боис, 2021 йил 24-октябрь куни – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтиши муносабати билан, Комиссиянинг 2021 йил иккинчи ярим йилликдаги асосий иш фаолияти сайловни миллий сайлов қонунчилиги ҳамда умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига мос ҳолда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга қаратилди.

Ҳисобот даврида Комиссия фаолиятининг усутвор йўналишлари ва асосий вазифалари биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юксак савияда ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш мақсадида 2021 йил 14 апрелда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури”**да белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатида таъминлаш мақсадида Комиссиянинг 23 та йиғилиши ўтказилди. Йиғилишларда Комиссиянинг қарорлари, йўриқномалари ва низомларини 2021 йил 8-февраль ҳамда 31 май кунлари сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган қонунлар талабларига мувофиқлаштириш, Комиссия фаолиятида самарадорликни ошириш, сайлов кампанияси даврида қўлланиладиган ҳужжатлар ва фойдаланиладиган жиҳозлар намуналарини тасдиқлаш, сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлашга қаратилган 82 та қарори қабул қилинди. Жумладан, Комиссия фаолиятига оид 1 та янги низом ва 1 та янги йўриқнома тасдиқланди. Сайлов кампаниясини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи, амалдаги 5 та низом ва 1 та йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек МСКда кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни ижтимоий-иктисодий қўллаб қувватлаш ва ваколатга доир бошқа масалалар юзасидан Комиссия Раисининг 156 та Фармойиши қабул қилинди.

Комиссиянинг йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 1 нафар депутати (*вафот этганлиги муносабати билан*), Олий Мажлис Сенатининг 2 нафар аъзоси (*1 нафари бошқа ишга ўтганлиги, 1 нафари вафот этганлиги сабабли*) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тошкент вилоятида бўшаб қолган ўринга ўтказилган Сенатор сайлови натижаларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан 1 нафар янгидан сайланган Сенат аъзоси рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил иккинчи ярим йиллигидаги фаолияти қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди.

I. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Комиссиянинг тегишли қарорларига асосан **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи Комиссия қарорлари, низомлари, йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлари** Сайлов кодексига мувофиқлаштирилди ҳамда халқаро стандартлар ва демократик сайловлар амалиётидан келиб чиқиб такомиллаштирилди (1-илова).

2. Округ ва участка сайлов комиссияслари томонидан юритилладиган ҳужжатлар, баённомалар, қарорлар; маҳаллий ва хорижий кузатувчилар мандати; оммавий ахборот воситаси вакилининг аккредитациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномаси; номзоднинг гувоҳномаси; сиёсий партия ваколатли вакили ва кузатувчисининг мандати; округ ва участка сайлов комиссияси муҳрлари; номзодларни қўллаб-қувватлашга доир имзо варақалари; сайловга доир таклифномалар; округ ва участка сайлов комиссияси аъзоларининг гувоҳномалари;

яширин овоз бериш кабиналари ва қутилари каби **26 та энг муҳим сайлов ҳужжатлари ва жиҳозларининг тегишинча намуналари, тавсифи ва шакли** ишлаб чиқилди ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари билан тасдиқланди (2-илова).

3. Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий тусдаги **15 та** қарорларнинг “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси” – **Lex.uz** да эълон қилиниши таъминланди. Мазкур қарорларга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда уларнинг назорат ҳолатида юритилиши ва Миллий базада долзарблиги таъминланиши йўлга қўйилди.

4. Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари реестрини юритиш, уларни тизимлаштириш ва назорат ҳолатига келтириш ишлари йўлга қўйилди. Комиссиянинг 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 июнда 3311-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш қондаларига мувофиқ равишда назорат ҳолатига келтирилди ва юритилиши йўлга қўйилди.

II. САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган муддат ва талабларга қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режа** Комиссиянинг 2021 йил 23 июлдаги йиғилишида тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси томонидан Календарь режада белгиланган вазифаларнинг масъул ижрочилар билан ҳамкорликда ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши қатъий назоратга олинди. Оқибатда, ҳар бир банд ижроси ўз вақтида сифатли бажарилишига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига мос тарзда, эркин ва демократик, очик ва ошкора, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида ўтишига эришилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурига биноан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда сайловни сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш мақсадида кенг қўламли ишлар изчил амалга оширилди.

Комиссиянинг 2021 йил 23 июлдаги йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш кунини белгилаш ва сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Шу кунини Комиссиянинг Матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирок этган матбуот анжуманида Комиссия йиғилишида кўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар ҳақида маълумот берилди ҳамда Комиссиянинг янги веб-сайти, “**Saylov 2021**” веб-портали ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларининг тақдироти ўтказилди.

3. Комиссиясининг 2021 йил 27 апрелдаги йиғилишида қабул қилинган “Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси”га мувофиқ ҳудудларда сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган семинар-тренингларнинг тасдиқланган ўқув режа ва жадвалига мувофиқ ўтказилиши доимий мониторинг қилиб борилди. Мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, семинар-тренингларда замонавий ўқув методологияларини янада кенг жорий этиш, ҳар бир тингловчи билан индивидуал ишлаш бўйича тавсиялар берилди. Мониторинг натижалари ҳақидаги таҳлилий маълумот раҳбариятга ўз вақтида тақдим этиб борилди.

Концепция ижросини таъминлаш, сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган режа-жадвалига мувофиқ семинар-тренингларни ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда **биринчи босқич** семинар-тренингларни ўтказиш муддатлари 2021 йил биринчи ярим йилликка тўғри келди. Бу ҳақида батафсил маълумот Комиссиянинг биринчи ярим йилликда амалга оширилган ишлари хусусидаги Ахборотда батафсил ёритилди.

Юқорида қайд этилган режа-жадвалга мувофиқ, семинар-тренингларнинг иккинчи ва ундан кейинги босқичлари 2021 йил июль – октябрь ойларида самарали ташкил этилди ва ўтказилди.



Жумладан, 12 июль - 8 август кунлари **иккинчи босқич** семинар-тренинглар ўтказилди. Унда 33 044 нафар УСК раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари иштирок этди. Семинар-тренинглар якунида тингловчиларнинг назарий ва амалий кўникмалари **spv.bimm.uz** порталида тест саволлари асосида синовдан ўтказилди. Тест натижалари ўртача 84% ни ташкил этди.

Семинар-тренингларнинг **учинчи босқичи**да 936 нафар ҳудудий тренерларга 824 нафар волонтер-тренерлар бириктирилди. Тренерлар рўйхати секторлар кесимида тасдиқланди. Улар томонидан 4 - 14 август кунлари туман (шаҳар)лардаги секторлар кесимида ўқувлар савол-жавоб ва суҳбат шаклида, 6-7 кишилиқ кичик гуруҳларда, ҳудудий штаблар томонидан тасдиқланган ўқув дастури ва графиклари асосида ташкил этилди.

Тўртинчи босқич семинар-тренинглар 16 августдан - 12 сентябрга қадар ўқув-амалий машғулотлар шаклида ташкил этилди. Семинар-тренинглар 18-24 кишилиқ кичик гуруҳларда “ролли ўйин”, мунозара, тақдимот, савол-жавоб, “ақлий ҳужум” методларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Бунда тингловчиларга Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов жараёни босқичларига оид тайёрланган махсус видеороликлар етказиб берилди. Семинар-тренинглар якунида тингловчилар **spv.bimm.uz** порталида навбатдаги тест синовларидан ўтказилди. Тест натижаларига кўра тингловчиларнинг эгаллаган билимлари кўрсаткичи иккинчи босқичдаги 84 фоиздан, тўртинчи босқич якунларида 93% га кўтарилишига эришилди.

Бешинчи босқич семинар-тренинглар, 2021 йилнинг 15-18 сентябрь кунлари бевосита сайлов участкаларида сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар тўғрисидаги назарий билимларини ва амалий кўникмаларини шакллантириш ва янада ривожлантириш бўйича ўтказилди. Уларда 142 044 нафар УСК аъзолари иштирок этди. Ушбу семинар-тренинглар, Республика ва ҳудудий тренерлар назоратида ҳар бир сайлов участкасининг ўзида раис, раис ўринбосари ва котиблар томонидан УСКнинг қолган барча аъзолари учун ўқув-амалий машғулот сифатида ўтказилди.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида (СЖБАТда) ишлаши бўйича амалий кўникмаларини ошириш мақсадида уч босқичда ўқув машғулотлари ўтказилди ва уларда 32280 нафар участка сайлов комиссияси аъзолари (операторлар) босқичма-босқич ўқитилди.

Бундай изчил тадбирларнинг барчаси пировард натижада сайлов комиссияларининг миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов стандартлари бўйича билим ва кўникмаларининг ошишига (биринчи босқич тест натижалари 75% – якуний тест натижалари 93%) ҳамда бўлиб ўтган Президент сайловлари миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар асосида, юқори даражада ташкил этилиши ва ўтишига замин яратди.

4. Котибиятнинг Ташкилий-назорат бўлими томонидан Комиссия аъзолари ва бўлим бошлиқлари билан ҳамкорликда Комиссиянинг 2021 йил 14-апрелдаги йиғилишида тасдиқланган “**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури**”, 2021 йил 7-июлдаги йиғилишида тасдиқланган “**Марказий сайлов комиссияси-нинг 2021 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси**”, 2021 йил 23 июлдаги йиғилишида тасдиқланган “**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини**

Ўтказиш бўйича календарь режаси”нинг бандма-банд ва сифатли ижро этилиши юзасидан қатъий назорат амалга оширилди, ҳафталик таҳлил йўлга қўйилди ва натижалари бўйича тайёрланган таҳлилий ахборот ҳар ҳафта якунида раҳбариятга тақдим этилди.

Ҳар ҳафта душанба кунлари Раҳбарият ҳузуридаги тезкор аппарат йиғилишида муҳокама қилиниб, ижроси кечикган бандлар юзасидан масъул ижрочиларга тегишли кўрсатмалар бериб борилди. Натижада, юқорида кўрсатиб ўтилган Комиссия дастурлари ва режаларининг сифатли ва ўз муддатида ижро этилиши ҳамда Комиссия фаолиятида юқори самарадорликка эришиш таъминланди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ҳамда бир қатор вазирлик ва идораларнинг салоҳиятли мутахассисларидан иборат республика ишчи гуруҳлари тузилди. Уларнинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб ҳамкорликда амалга ошириладиган иш режалари тасдиқланди. Ушбу ишчи гуруҳлари таркибига Марказий сайлов комиссиясининг 6 нафар доимий асосда, 2 нафар жамоатчилик асосда ишловчи аъзолари, 7 нафар МСК котибияти бўлиб бошлиқлари ва масъул ходимлари киритилди. Шунингдек, Комиссиянинг Бош прокуратура, Олий суд, адлия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш вазирликлари, Миллий гвардия ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Котибиятнинг Ташкилий-назорат бўлими томонидан Комиссия аъзолари ва масъул ходимлари ҳамкорлигида, юқорида қайд этилган иш режаларида белгиланган:

- округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун зарур бўлган барча шароит ва имкониятларни яратиш;

- ўқув-услубий материалларни тайёрлаш ва сайлов жараёни иштирокчиларини ўқитиш;

- ОАВ ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш ҳамда бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш;

- Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчилар ягона электрон рўйхати билан ишлаш, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш;

- сайловчиларнинг, шу жумладан хориждаги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш;

- сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш;

- сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида тиббий хизмат, пандемия давридаги карантин COVID-19 инфекцияси тарқалиши хавфининг олдини олиш талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш масалалари юзасидан мониторинг юритилди.

Мониторинг натижалари атрофлича таҳлил қилиниб, тайёрланган материаллар ўз вақтида Комиссия раҳбариятига тақдим этилди. Ушбу таҳлилий маълумот ва ахборотлар Комиссия ҳамда Раҳбарият ҳузуридаги тезкор йиғилишда, зарурат туғилганида Комиссия йиғилишларида муҳокама қилиниб, Республика ишчи гуруҳларига фаолиятда самарадорликка эришиш бўйича тақлиф, тавсиялар

тақдим этиб борилди. Комиссиянинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ижрога қаратилди. Пировард натижада ишчи гуруҳлар ва тегишли вазирлик ва давлат органларининг иш режаларида кўзда тутилган барча тадбирларнинг сифатли ижро этилиши таъминланишига эришилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунларини таҳлил қилиш ва унинг асосида ҳисобот, хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Комиссия аъзолари, бўлим бошлиқлари ва масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилди. Улар томонидан қуйидаги долзарб масалаларни мукамал таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг амалиётда қўлланилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этган маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчилар, ОАВ вакиллари, олимлар, экспертлар ҳамда сайловчилар томонидан билдирилган фикр, таклиф ва тавсиялар;

- сайлов комиссиялари аъзолари ва бошқа ташкилотчиларининг сайлов қонунчилиги ва амалиёти ҳамда СЖБАТ ва СЯЭР билан ишлаш бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида бир неча босқичда ўтказилган семинар-тренингларнинг ташкил этилиши, ўтказилиши;

- участка сайлов комиссиялари учун биноларнинг танланиши, замонавий ахборот-технологиялари ҳамда сайлов жиҳозлари билан таъминланиши;

- Ўзбекистонда ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган сайлов участкаларида, аҳоли гавжум яшайдиган жойларда муддатидан олдин ҳамда сайлов куни овоз бериш жараёнларини ташкил этилиши ва ўтказилиши, бу жараёнларда сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилиниши;

- сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларининг умумлаштирилиши, расмийлаштирилиши, баённомаларнинг юқори турувчи сайлов комиссияларига етказиб берилиши, умумий натижаларнинг эълон қилиниши ва бошқалар.

Ишчи гуруҳи томонидан атрофлича таҳлилларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунларига бағишланган ўнта муҳим йўналишдан иборат, матн, расм, слайд ва инфографикаларни ўз ичига олган ҳисоботи китоб шаклида тайёрланиб, нашр этишга тавсия қилинди.

III. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, АХБОРОТ МАКОНИДА ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ

1. Комиссиянинг 2021 йилнинг 23 июлдаги қарори билан Матбуот маркази ва унинг минтақавий бўлинмалари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда Матбуот марказлари учун бинолар танлаб олинди. Матбуот маркази фаолиятини юқори савияда ташкил этиш учун 40 нафар малакали ёш мутахассилар жалб қилинди. Ҳудудий Матбуот марказларида 4 нафардан 8 нафаргача малакали журналистлар ва экспертлар фаолият юритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиқлик ва ошкоралик принципларига риоя қилган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказиш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов жараёнларини ёритиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилди.

Матбуот марказида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ Комиссия йиғилишлари, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар, Президентликка номзодлар, уларнинг ваколатли ва ишончли вакиллари, муддатидан олдин ва сайлов куни овоз бериш жараёни, сайлов натижаларини эълон қилиш каби ўта муҳим тадбирларга бағишланган 30дан ортиқ брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказилди. Уларда маҳаллий ва хорижий (халқаро) кузатувчилар, ОАВ вакиллари, сиёсий партиялар вакиллари, бевосита сайловчилар фаол иштирок этди. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Комиссиянинг барча йиғилишлари, Матбуот марказида ташкил этилган барча тадбирлар Ўзбекистон МТРК ва нодавлат телеканалларда тўғридан-тўғри эфирга узатилиб, маҳаллий ва хорижий ОАВда, Комиссиянинг ижтимоий тармоқлари ва веб-сайтида атрофлича ёритилиши таъминланди.

2. Ўзбекистон МТРК билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сайлов қонунчилиги ва амалиётига оид маълумотларни сайлов комиссияларига тушунтириш ва сайловчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида долзарб мавзуларда видео ва аудио роликлар, инфографикалар, мултипликацион роликлар тайёрланиб, сайлов кампанияси даврида эфирга узатиб, намойиш этиб борилди.

МСК ҳамда МТРК ҳамкорлигида тайёрланган сайлов қонунчилиги ва амалиётига оид видео ва аудио роликлар



Сайлов участкалари биналарини жиҳозлаш тартиби



Муддатидан олдин овоз бериш жараёни ва тартиби



Сайлов кунида овоз бериш ва натижаларини ҳисоблаш тартиби



COVID-19 пандемияси шароитида овоз бериш тартиби



Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловда иштирок этиш тартиби



Президент сайлови: 100 саволга 100 жавоб



Сайлов ҳуқуқи, ёшларни сайловда иштироки



Хориждаги сайловчилар учун эслатма



Муддатидан олдин овоз бериш вақти ва жойи



Бир сайловчи бир овозга эга



Ўз сайлов участкангизни аниқланг



2021 йил 24 октябрь-Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

3. Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини сайлов жараёни ва номзодлар ҳақида хабардор этиш, улар томонидан ўз сайлов ҳуқуқларини тўсиқларсиз амалга ошириш ҳамда сайловда фаол иштирок этишлари учун мотивацияни шакллантириш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг “saylov.uz” расмий веб сайти, “saylov2021.uz” портали ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига 14 873 та ахборот, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи холи ва сайловолди дастурининг устувор йўналишлари акс этган плакатлари ўзбек, рус, инглиз, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида матн, аудио-видео ёзувлар шаклида, сурдо таржималари билан жойлаштирилди.

4. Хорижий давлатлардаги юртдошларимизни сайлов жараёнларидан хабардор қилиш мақсадида Ташқи ишлар вазирлигининг “Дунё” ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари ва консуллик ваколатхонлари веб-сайтларида жойлаштириш учун мақолалар ва ахборот материаллари бериб борилди. Хусусан, Эроннинг «ITNA News» ахборот агентлиги веб-саҳифасида, Афғонистоннинг “Kabul Times” газетасида, Мисрнинг етакчи босма нашри - «Ал-ахбар ал-Масай» газетасида, Эронда инглиз тилида чоп этиладиган «Iran News» газетасида, Ҳиндистоннинг сиёсий-таҳлилий нашри - «Political Events» журналида, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ахборот агентликлари иттифоқи (Union of OIC News Agencies) сайтида ва Саудия Арабистонининг “Al-Diplomasy” электрон нашрида, БААнинг «Khaleej Times» газетаси каби нуфузли ОАВларида Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнлари ва яқунлари бўйича 50 дан зиёд мақолалар чоп этилди.

МДХ давлатларида яшаб, фаолият олиб бораётган ватандошларимиз учун **Одноклассники.ру** ижтимоий тармоғининг марказий штаби билан келишилган ҳолда МСКнинг расмий саҳифаси очилди ва унда сайловга оид энг долзарб мавзулар доимий равишда бепул ёритиб борилди. Шунингдек, хориждаги ватандошларимиз томонидан юритиладиган ижтимоий тармоқдаги телеграм гуруҳлари ва каналлари орқали ҳам сайлов қонунчилиги, хорижда ташкил этилган сайлов участкалари манзили, участка сайлов комиссиялари билан алоқа қилиш имкониятларига оид мавзулар ёритиб борилди.

5. Ўзбекистон Республикаси ахборот коммуникациялари ва технологияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда Комиссиянинг янги талқиндаги “saylov.uz” расмий веб-сайти ишга туширилди.

Сайлов кампанияси даврида сайтга сайлов қонунчилиги ва жараёнига оид турли мазмундаги материал, мақола, интервью, ахборот, расм, видео ва бошқа маълумотлар жойлаштирилди.

Сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида, ўз сайлов участкаси ҳақидаги маълумотларни олиш бўйича интерфаол хизмат жорий этилиб, ҳар бир сайловчи веб-сайтга кириш орқали, масофадан туриб, ўз сайлов участкаси хусусида маълумот олиш имкониятига эга бўлди. Веб-сайт “YouTube” видео-хостингига интеграция қилиниб, сайлов жараёнлари ва сайлов қонунчилигига оид видео роликлар мунтазам бериб борилди.

6. Матбуот хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманлари, пресс-тур ва брифингларда ижтимоий тармоқлардан келган энг долзарб саволларга Комиссия раҳбарияти, аъзолари ва экспертлари томонидан тегишли жавоблар бериб борилди. Мазкур жараёнлар “Ўзбекистон24”, “Ўзбекистон”, “Дунё бўйлаб” ва “Узрепорт” телеканаллари орқали тўғридан тўғри эфирга узатилди ҳамда савол жавоблар акс этган лавҳалар “**Saylov2021 – хабарлари**” номли рукн остида ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини оператив бошқариш мақсадида сайловга оид саволларга жавоб олиш имконини берадиган телеграм бот “**@SaylovFaq2021Bot**” ишга туширилди. Сайловчилар ва бошқа фойдаланувчилар томонидан ушбу телеграм бот орқали келиб тушган саволларга ҳам Комиссия аъзолари ва экспертлари томонидан зудлик билан малакали жавоб бериб борилди.

IV. АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ КЕНГАЙТИРИШ

1. 2021 йил 20 август куни Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1101-сонли қарори билан Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ – фуқароларга сайлов участкасини ўзгартириш бўйича интерфаол хизматни фақат Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юритилиши ва доимий ёки вақтинча яшаш жойи манзилининг кадастр рақамини киритиш йўли билан унга мутаносиб равишда кўрсатилиши белгиланди;

Комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда 2021 йил 30 август куни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали “**Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат**” тўлиқ жорий этилди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида “Ўз сайлов участкасини аниқлаш” интерфаол хизматидан 28 000 дан зиёд, “Сайлов участкасини ўзгартириш бўйича мурожаат юбориш” хизматидан 4 500 дан зиёд сайловчилар фойдаланди.

2. 2021 йил 15 август куни Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссиялари, 10 761 та участка сайлов комиссиялари ҳамда уларнинг 142 минг нафардан зиёд комиссия аъзолари, уларнинг сифат таркиби тўғрисидаги маълумотларни киритиб, жамлайдиган модуль ишга туширилди. Ушбу Модулга 14 та округ ва 10 761 та участка сайлов комиссиялари ҳамда 142 минг нафардан зиёд комиссия аъзолари ҳақидаги маълумотлар киритилди.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини такомиллаштириш натижасида 21 266 011 нафар сайловчидан иборат сайловчилар рўйхати СЖБАТга юкланди ва 10 761 та сайлов участкаларга тақсимланди.

Сайлов жараёналарига замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши Президент сайловини миллий сайлов қонунчилиги ва умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

3. 2021 йил 24 июлда Марказий сайлов комиссияси, Project Managers компанияси ва Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ҳамкорлигида “Saylov2021” мобил иловаси яратилди.

Марказий сайлов комиссиясининг “Saylov2021” мобил иловасининг “Бўлимлар” саҳифасида яратилган рукнлар



Ўқув материаллари рукни

Ўқув материаллари тақдимотлар, маъруза матнлари, инфографикалар, видео-дарслар учун



Эслатмалар рукни

Сайлов комиссиялари ва ташкилотчилари, кузатувчилар, ваколатли вакиллар учун зарур услубий тавсиялар учун



Сайлов қонунчилиги рукни

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов Кодекси, МСКнинг қарорлари учун



Кутубхона рукни

Сайлов қонунчилиги ва амалиётига оид адабиётлар, рисолалар, мақолалар ва рисолалар учун



Сайлов участкалари саҳифаси

Сайловчиларга ўзининг сайлов участкасини топиш имкониятини берувчи



Масс-медиа рукни

Эълонлар, инфографикалар, видеогалерея саҳифалари учун



Тестлар рукни

Сайлов қонунчилигини ўрганиш учун турли мавзуларда тест саволлари, казуслар учун

4. 2021 йил 1 мартда Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, “UNICON.UZ” ДУК, Ахборот технологиялари-коммуникацияларини ривожлантириш жамғармаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида тўрт томонлама шартнома имзоланди. Шартномага асосан, “UNICON.UZ” ДУК томонидан СЖБАТни такомиллаштириш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилди, МСК томонидан тасдиқланди, 2021 йил март ойида экспертизадан ўтказилди ҳамда уни такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Шартноманинг ижроси тўлиқ ва ўз муддатида таъминланди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ички тармоғида ахборот алмашинувини тартибга солиш, иш унумдорлигини ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди, .

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборот хавфсизлиги сиёсати ишлаб чиқилди ҳамда муттасади ташколотлар билан ишлашиш ишлари олиб борилди.

V. ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД МАСАЛАЛАР

1. Халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг сайлов органлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ва Ҳиндистон сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик Меморандуми лойиҳаси ишлаб чиқилди. Меморандумни имзолаш масаласи ўрнатилган тартибда кўриб чиқилди. Меморандумнинг ўзбек тилидаги матни ва унинг инглиз тилидаги таржимасини Ҳиндистон сайлов комиссиясига етказиш ҳамда уни имзолаш тартиби бўйича Ҳиндистон томонининг таклифларини олиш мақсадида Ташқи ишлар вазирлигига тақдим этилди. Мазкур Меморандумни ўрнатилган тартибда имзолаш масаласи ТИВ билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллариغا Комиссия Раиси номидан таклифномалар юборилиши таъминланди. Ташқи ишлар вазирлигидан Комиссияга келиб тушган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларига оид хужжатлар ўрганилиб, уларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Хусусан, 971 нафар халқаро кузатувчи, жумладан 18 та нуфузли халқаро ташкилотлардан, 631 нафар, дунёнинг 45 та нуфузли давлатидан 340 нафар халқаро кузатувчилар аккредитация қилинди ва уларнинг мамлакатимизда бўлишига оид ташриф дастурлари ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда ҳар бир кузатувчига етказилди ва ижроси таъминланди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови даврида халқаро кузатувчилар ташрифи доирасида Комиссия Раиси ва аъзоларининг:

- ЕХХТ ДИИХБ Сайловни кузатиш миссияси раҳбари, МДХ Кузатувчилар миссияси раҳбари, МДХ ПА Кенгаши Котибияти раиси ўринбосари – ДПРХИ директори, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби, Ислон ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси раҳбари, ЕХХТ ПА делегацияси раҳбари ҳамда ЕХХТ қисқа муддатли кузатувчиларнинг махсус координатори, Туркий давлатлар ташкилоти бош котибининг ўринбосари, ШХТ миссияси раҳбари, ТУРК ПА миссияси раҳбари бошчилигидаги делегациялар ва Сайлов тизимлари халқаро фонди вакиллари;

- Туркия Олий сайлов кенгаши раиси, Ҳиндистон Сайлов комиссияси раиси, Индонезия Умумий сайлов комиссияси раиси, Латвия Республикаси МСК раиси ўринбосари, Қозоғистон Республикаси МСК раиси ўринбосари, Тожикистон Республикаси сайловлар ва референдумлар бўйича МСК раиси, Озарбайдон МСК раиси ва Қирғизистон Республикаси сайлов ва референдумларни ўтказиш бўйича Марказий комиссияси раиси бошчилигидаги делегациялар;

- Беларус Республикаси Миллий Мажлисининг Халқаро ишлар ва миллий хавфсизлик масалалари бўйича доимий кўмитаси раиси, Беларусия ва Россия Иттифоқи Парламент Ассамблеяси ижрочи котибининг ўринбосари, Индонезия Республикаси Парламентининг Вакиллар палатаси Парламентлараро ҳамкорлик кўмитаси раиси ва аъзолари, Қозоғистон Республикаси Сенати раиси ўринбосари, Туркия Парламенти аъзолари, Россия Федерацияси Думаси депутатлари билан 35 та учрашувлари ўтказилди.

4. Ўзбекистон Республикаси вакилларининг хорижий давлатларда бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон МСК ва бошқа давлат органларининг вакиллари сифатида, шунингдек МДХ, МДХ ПА, ЕХХТ ДИИХБ, ЕХХТ ПА, ШХТ, Туркий Кенгаш миссиялари таркибида кузатувчи сифатида иштирок этиши ташкиллаштирилди.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР СИФАТИДА ИШТИРОКИ



Молдова Республикаси парламент сайлови

11 июль

6 киши



Россия Федерацияси Парламент сайлови

17-19 сентябрь

10 киши



Грузия Республикаси маҳаллий вакиллик ҳамда ижро органи сайлови

2 октябрь

4 киши



Грузия Республикаси маҳаллий вакиллик ҳамда ижро органи сайлови II тур

30 октябрь

2 киши



Қирғиз Республикаси Парламент сайлови

28 ноябрь

45 киши

5. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори билан “Ўзбекистон Республикасида сайлов амалиётини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик” учинчи босқичи лойиҳаси доирасида халқаро эксперт иштирокида ЕХХТ ДИИХБ сайловларни кузатиш миссиясининг дастлабки ҳисоботи таҳлилини амалга ошириш” тадбири режалаштирилган эди. Бироқ, лойиҳани молиялаштириш учун хорижий ҳамкорларнинг маблағи етишмаганлиги туфайли, ушбу тадбир томонларнинг ўзаро келишувига асосан Ўзбекистондаги БМТнинг ТД билан ҳамкорликда тузилган “Ўзбекистонда 2019-2021 йилларда сайлов жараёнини қўллаб-қувватлаш” кўшма лойиҳаси доирасида ижро этилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу таҳлилни ўтказишга БМТ ТД офиси томонидан **3 нафар** халқаро экспертлар жалб қилинган, улар томонидан ЕХХТ ДИИХБ сайловларни кузатиш миссиясининг дастлабки ҳисоботи таҳлили амалга оширилмоқда, шу кунларда якуний Таҳлилий ҳужжат Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

6. Комиссиянинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Тараққиёт дастури билан ҳамкорликдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон сайлов жараёнларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида (режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда) қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

- 7 июль - 23 сентябрь кунлари Комиссия масъул ходимлари, сайловни ўтказиш жараёнларини ёритувчи ҳудудий журналистлар учун **«Оммавий ахборот воситаларида сайловларни самарали ёритиш масалалари»** мавзусида оффлайн ва онлайн шаклда 8 та семинар-тренинглари ўтказилди;

- 12-19 октябрь кунлари ихтисослаштирилган гендер дастури ишлаб чиқилди. **“Сайлов ва гендер: сиёсат соҳасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва миллий амалиёт”** мавзусида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, аёлларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари учун хотин-қизларнинг сайловда иштироки борасида касбий билим даражасини оширишга қаратилган **7 та** семинар-тренинглари (онлайн ва оффлайн шаклида) ўтказилди;

- Нодавлат нотижорат ташкилоти – “Истикболли авлод” Республика ахборот марказининг 14 та ҳудудий бўлинмалари вакиллари учун алоҳида ўқув машғулотлари ўтказилди;

- 14 декабрь куни видеоконференцалоқа орқали Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларининг сайлов органлари раҳбарларининг Маслаҳат кенгашини тузиш бўйича Раис ўринбосари Б.Кучкаров раислигида эксперт гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

VI. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР ЙЎНАЛИШИДА:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 21 000 дона (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз тилларида), Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси 21 000 дона (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз тилларида) “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази билан ҳамкорликда нашрга тайёрланди ва “Ўзбекистон” матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари, Олий Мажлис палаталари, вазирлик, қўмита, агентлик, маҳаллий ҳокимият органларига, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарига, сайловда иштирок этган хорижий (халқаро) кузатувчиларга Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ етказиб берилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ҳужжатлари тўплами 15 000 дона (ўзбек, қорақалпоқ, рус тилларида) “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази билан ҳамкорликда нашрга тайёрланди ва “Ўзбекистон” матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари, Олий Мажлис палаталари, вазирлик, кўмита, агентлик, маҳаллий ҳокимият органларига, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарига Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ етказиб берилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари учун сайлов жихозларини (кабиналар, сайлов қутилари, давлат герби, давлат байроғи, канцтовар маҳсулотлари ва х.к.) харид қилиш ва етказиб бериш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан келган маълумотлар атрофлича таҳлил қилиниб, ҳудудлар кесимида якуний эҳтиёж шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ товарлар ва хизматларни харид қилиниши билан боғлиқ ташкилий-молиявий ва логистика масалаларни мувофиқлаштириш ва ҳал қилиш бўйича махсус комиссиясига тақдим қилинди.

Махсус комиссиянинг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари учун **12 239 дона** кўчма сайлов кабинаси, **4 480 дона** стационар сайлов қутиси, **3 881 дона** кўчма сайлов қутиси, **2 936 дона** Ўзбекистон Республикасининг давлат герби, **8 000 дона** Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи, **296 дона** Қорақалпоғистон Республикасининг давлат байроғи, **4 886 дона** байроқни хонанинг ичига ўрнатиш учун флагшток, **4 318 дона** байроқни ташқи фасадга ўрнатиш учун флагшток ҳамда **10 829 тўплам** канцелярия маҳсулотлари харид қилинди ва белгиланган тартибда ҳудудларга ўз вақтида етказиб берилди.

VII. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиянинг 2021 йил учун тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси доирасида барча тўловлар ўз муддатида амалга оширилди. Комиссиянинг молиявий ҳисоботлари (1-шакл бухгалтерия баланси, 2-шакл, 5-шакл, 6-шакл, 15-шакл, 3-ВМКН, 3-1 шакл, дебитор ва кредитор қарзлар тўғрисида маълумот, 2-рж шакл ва 2-рж шакл иловаси бўйича ҳисоботлар) сифатли тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ғазначилигига белгиланган муддатларда 2021 йил 1 декабр ҳолатига тўлиқ тақдим этилди. 2021 йил якуни бўйича умумлаштирилган ҳисоботлар Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда 2022 йил 20 январга қадар сифатли тайёрланиб, Молия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ғазначилигига топширилиши таъминланади.

(Маълумот учун. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2971. – Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиши, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақидаги қарор).

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил учун солиқ ва статистика ҳисоботлари, шунингдек халқ банкининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти жамғармаси”га ходимларнинг ойлик маошларидан йўналтириладиган 0,1 фоизлик ажратмалар бўйича ҳисоботлари ҳар ой якуни бўйича топширилиши таъминланди.

2. Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи чорагига мўлжалланган жорий харажатлари учун вақтинчалик харажатлар сметаси лойиҳаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди, Комиссия Раҳбарияти ҳузурида атрофлича муҳокама қилинди ва 2021 йил 25 декабрда тасдиқланиб, Молия вазирлигига рўйхатга олиш учун юборилди.

VIII. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА ХАТ ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАМДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Комиссияга 2021 йил иккинчи ярим йиллиги давомида турли ташкилотлардан жами **1 694 та хат ва ҳужжат** келиб тушди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари – 40 та, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари – 5 та, Президент фармонлари – 51 та, Президент қарорлари – 111 та, Президент фармойишлари – 3 та, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари – 232 та, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари – 8 та. Улар тегишлича Комиссия раҳбарияти имзоси билан “**msk.ijro**” тизимига жойлаштирилди. 962 та ҳужжат маълумот учун қабул қилинди. 732 та ҳужжат ижро учун ижрочиларга етказилди.

Ҳисобот даврида Комиссиядан турли вазирлик, идора ва ташкилотларга **683 та хат ва ҳужжат** юборилди. 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлари тизимлаштирилди ва архивлаш учун Марказий давлат архиви билан шартнома тузилди.

Комиссияга келиб тушган барча хат-ҳужжатлар, Комиссия, Котибият бўлимлари томонидан чиқарилган хатлар, Комиссиясининг 2020 йилдаги 20 та қарорлари, Комиссия Раисининг 121 та фармойишлари рақамлаштирилиб, Комиссиянинг электрон архивига жойлаштирилди.

Ҳисобот даврида Комиссияга жами 649 та мурожаат келиб тушди.

Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан бевосита келиб тушган **649 та** мурожаатларнинг барчаси атрофлича ўрганиб чиқилди. Шундан,


- **59** та мурожаат ижобий ҳал қилинди. **405** та мурожаат бўйича муаллифларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Сайлов кодексининг тегишли моддалари асосида ҳуқуқий тушунтириш берилди;

- **17** та мурожаат аноним деб топилганлиги ва қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилди;

- **2** та мурожаат такрорий бўлганлиги ва дастлабки мурожаатга тегишли жавоб хати юборилганлиги сабабли рад этилди;

- 216 та мурожаат “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ мазмунан кўриб чиқишга ваколатли бўлган ташкилотларга тааллуқлилиги бўйича юборилди.

ҲИСОБОТ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЖАМИ МУРОЖААТЛАР Сони



Ёзма
мурожаатлар
149 та




Оғзаки
мурожаатлар
131 та




Веб-сайт
орқали юборилган
37 та

ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА МУРОЖААТЛАРНИНГ МИҚДОРИ ҚЎЙИДАГИЧА



Таалуқлиги бўйича юборилган мурожаатлар



2 тадан Адлия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Мактабгача таълим вазирлигига, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига, 1 тадан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига, Соғлиқни сақлаш вазирлигига, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, Энергетика вазирлигига, Давлат божхона қўмитасига, Дин ишлари бўйича давлат қўмитасига, Бизнес ошбурманга, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига, Давлат божхона қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига, Давлат активларини бошқариш агентлигига, Наманган давлат университетига, Олмалиқ кон металлургия комбинатига, "Менинг юртим" телеканалига, Агробанк акциядорлик тижорат банкига, Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкига) юборилган.

Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган **649 та мурожаатдан 333 та мурожаат Комиссия ваколатларига таалуқли бўлиб, уларнинг мазмуни қуйидагича:**

- 53 та мурожаатда сайловчиларга сайловга чақирув таклифномалари берилмаганлигидан норозилиги баён этилган, 35 та мурожаатда фуқаролар томонидан сайловчиларнинг электрон рўйхатидан исм ва фамилиялари чиқмаганлиги сабабли ўзларини ушбу электрон сайловчилар рўйхатига киритилишида ёрдам бериш сўралган; 22 та мурожаатда участка сайлов комиссияси аъзоси сифатида рўйхатга олинишида амалий ёрдам бериш сўралган; 21 та мурожаатда участка сайлов комиссияси аъзолари ҳамда фуқаролар томонидан сайлов участкаси биносини таъмирлаб бериш сўралган; 16 та мурожаатда сайлов даврида УСК аъзолари учун тўланадиган ойлик иш ҳақи миқдори тўғрисида маълумот бериш сўралган; 2 та мурожаатда ОСК ва УСК аъзоларни ўқитиш ишларига жалб қилинишида амалий ёрдам сўралган;

- 14 та мурожаатда фуқаро сайлов куни ўзининг доимий яшаш жойидан бошқа ерда бўлганида овоз бериш тартиби тўғрисида маълумот бериш сўралган; 2 та мурожаатда сайловга оид қонунчилик ҳужжатлари бузилишларига доир хабар ва шикоятлар баён этилган; 12 та мурожаатда ОСК ҳамда УСКларини тузиш тартиби тўғрисида маълумот бериш сўралган; 9 та мурожаатда фуқаро турган жойида овоз беришида амалий ёрдам бериш сўралган; 8 та мурожаатда фуқаро сайлов куни яшаш жойида бўлмаганлиги сабабли, муддатидан олдин овоз бериш тартиби тўғрисида маълумот бериш сўралган; 2 та мурожаатда фуқароларнинг чел элда овоз бериш

тартиби тўғрисида маълумот бериш сўралган; 1 та мурожаатда сиёсий партиялар тўғрисида маълумот бериш сўралган;

- 47 та мурожаатда Ш.М. Мирзиёевни кўллаб-қувватлаб овоз беришини, шунингдек, амалдаги давлат рахбарининг қайта президентликка сайланиши сўралган; 11 та мурожаатда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид таклифлар (*президент ваколат муддатини узайтириш, сайловга ажратилган маблағларни ижтимоий соҳаларга жалб қилиш ҳамда президент сайловини ўрнига умумхалқ референдумини ўтказиш*) илгари сурилган; 12 та мурожаатда ўзларини президентликка номзодлар билан учрашишида амалий ёрдам бериш сўралган; 11 та мурожаат президентликка номзодларнинг ишончли вакили сифитида рўйхатга олинмишида амалий ёрдам сўралган; 9 та мурожаатда президентликка номзодларнинг сайловолди тарғибот ишларини бошланиш муддати ҳамда уларнинг олиб бориш тартиби тўғрисида маълумот бериш сўралган;

- 7 та мурожаатда маҳаллий ОАВ вакиллари сайловда қатнашишлари учун аккредитациядан ўтишларида амалий ёрдам бериш сўраган; 7 та мурожаатда президентликка номзодларнинг сайлов олди дастурларига ўз таклифларини киритилишида ёрдам бериш сўралган; 5 та мурожаатда сайлов участкаси фуқаролар яшаш манзилдан узоқда тузилганлиги учун яшаш манзилига яқин бўлган жойда сайлов участкасини тузилишида амалий ёрдам бериш сўралган; 5 та мурожаатда ўз номзодини Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига қўйилишида амалий ёрдам бериш сўралган; 4 та мурожаатда округ ҳамда участка аъзоларини ўқитиш даврида масъуллар томонидан уларнинг овқатланишини ташкиллаштиришда қилинган харажатларини туман ҳокимлиги томонидан қопланишида амалий ёрдам бериш сўралган; 2 та мурожаатда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга кўйилган талаблар тўғрисида маълумот бериш сўралган ва 1 та мурожаатда имконияти чекланган шахслар учун брайл алифбосидаги трафарет нашр этилиши ёки этилмаслиги тўғрисида маълумот бериш сўралган.

Мурожаатларнинг 315 таси Комиссия ваколатларига тегишли бўлмаган мурожаатлар бўлиб, уларнинг мазмуни қуйидагича:

- **103 та** мурожаат суд ҳуқуқ масаласига оид, жумладан, судьялар томонидан ноқонуний жазога ҳукм қилинганлиги, шунингдек суд қарорлари ўз вақтида ижро этилмаётганлиги ҳақида; **68 та** мурожаат ер масаласига оид, жумладан, туман ҳокимининг ёки судларнинг ноқонуний қарорлари асосида фуқаролардан тортиб олинган ер майдонларини қайтариб бериш сўралган; **67 та** мурожаатда турли ижтимоий ва иқтисодий масалаларга оид, жумладан, йўлларни асфальт қилиш, кўприкни таъмирлаш, мактабни ёки шифохонани таъмирлаш, ўз яшаш манзилини “Обод қишлоқ” дастурига киритишга кўмаклашиш ҳамда “Омад-шоу” теледастурида қатнашишида амалий ёрдам бериш сўралган;

- 25 та мурожаатда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловнинг ноқонуний ўтказилганлигидан, депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаганлигидан норозилиги баён этилган; 24 та мурожаатда фуқаролар томонидан оилавий оғир моддий аҳволга тушиб қолганликлари сабабли моддий ёрдам бериш сўралган; 18 та мурожаатда фуқароларни ишга қайта тикланишларида амалий ёрдам бериш сўралган; 11 та мурожаатда фуқаролар йиғини оқсоқоли(раис)лигига ўз номзодининг кўрсатилишида амалий ёрдам бериш, номзодликка кўрсатилган фуқароларнинг шахсини текшириш ҳамда маҳалла раиси

сайлови жараёнлари адолатсиз ўтганлиги учун қайта сайлов ўтказилишида амалий ёрдам бериш сўралган.

2021 йил иккинчи ярим йиллигида Комиссияга келиб тушган мурожаатларнинг **51,3 фоизи** ташкилотнинг ваколатига тааллуқли бўлиб, қолган **48,6 фоиз** мурожаатларни мазмунан кўриб чиқиш ташкилотнинг ваколат доирасига кирмайди.

IX. КОМИССИЯДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ

Ҳисобот даврида Комиссияда давлат тилига доир қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, давлат тилини тарғиб қилиш ва ходимлар маънавиятини янада юксалтиришга оид “йўл хариталари”нинг ижросини ташкил этиш борасидасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Жумладан,

- 2021 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилиши муносабати билан Комиссия томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни миллий сайлов қонунчилиги ҳамда халқаро сайлов стандартларига биноан ўтказиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар, маърузалар, сайлов ташкилотчиларининг малакасини ошириш учун ташкил этилган семинар-тренингларга мўлжалланган ўқув материаллари, плакатлар, стендлар, инфографикалар, матбуотда эълон қилинган мақолаларнинг давлат тили талабларига мослиги таъминланди;

- Комиссия раҳбарияти ва ходимларининг телеграммдаги гуруҳи, сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари юксак маънавият ва давлат тилига оид қонун ҳужжатлари, шунингдек, муҳим янгиликлар – ёзма, видео ва аудио материаллар билан таъминлаб борилди;

- Комиссия Раиси маслаҳатчисининг “Президент сайлови: келажакка комил ишонч билан” мақоласи “Янги Ўзбекистон” газетасида ҳамда “Инсон қадри устувор бўлган жамиятга хос юксак маънавиятнинг амалдаги ифодаси” каби юксак маънавият ва давлат тили масалаларига оид мақоласи Комиссия сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинди;

- Комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигининг 30 йиллик байрамига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси давлат тарих музейида очилган расмий стендига ҳамда Комиссиянинг янги биносида ташкил этилган музейга экспонатларни танлаш, матнларни лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувида тайёрлаш ва таҳрир қилиш ишлари бажарилди;

- ходимлар ўртасида идоравий ҳужжатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мақолалар матнлари таҳрири ва таржимасини такомиллаштириш бўйича амалий суҳбатлар, индивидуал машғулотлар ўтказилди;

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни ҳамда ташқи ёзувлар, эълонлар ва лавҳалар лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувида бўлишига оид талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар мониторинги ўтказилди ва аниқланган камчиликлар бартараф этилди;

- Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан Тошкентда ўтказилган тадбирларда иштирок этилди;

- Комиссия кутубхонаси “Давлат тилида иш юритиш” қўлланмасининг лотин алифбосидаги нашри ҳамда муайян соҳалар бўйича ўзбек тилида чоп этилган янги луғатлар билан бойитилиб, компьютерлар базасидага кирилл ва лотин алифбосида жойлаштирилган электрон луғатлардан ходимларнинг фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилди;

- 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни тадбирларида ҳамда “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирларда иштирок этилди.

Х. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА ХЎЖАЛИК ИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Комиссия Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Тўйтепа кўчаси 2-а уйда жойлашган янги бинога кўчиб ўтиши муносабати билан, бинодан самарали фойдаланиш, қўшимча қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш, бино ичида тозаланиш таъминлаш ва атрофини ободонлаштириш, коммунал тизимларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида – бевосита Комиссия Раисига бўйсунувчи, 13,5 та штат бирлигидан иборат хўжалик бўлими ташкил этилди ва ходимлар ишга қабул қилинди.

Хўжалик бўлими томонидан Комиссиянинг тўлиқ янги бинога кўчиб ўтиши таъминланди. Бинода Комиссия аъзолари ва Котибият ходимлари самарали фаолият юритишлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилди.

2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этиш ҳамда уни атрофлича ёритиш учун келган хорижий (халқаро) кузатувчилар, хорижий ва маҳаллий ОАВ ходимлари учун бинода барча шарт-шароитлар яратилди.

Марказий сайлов комиссияси Котибияти